

“ЎЗБЕКИСТОН-2030” СТРАТЕГИЯСИ: ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ СУҒУРТАЛАШГА ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВЛАР

Шеннаев Х.М.

*Тошкент давлат иқтисодий университетининг
профессори, иқтисодий фанлари доктори*

Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида қишлоқ хўжалик соҳаси муҳим ўрин тутди. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, 2024 йил 1 январь ҳолатига мазкур соҳанинг мамлакат ЯИМдаги улуши 30 фоизга яқинни ташкил этган³⁷. Шу давр ҳолатига, қишлоқ жойларда истиқомат қилаётган аҳоли сони эса республика бўйича жами аҳоли сонининг 49 фоизига тенг бўлган³⁸. Келтирилган рақамлардан кўриниб турибдики, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, нафақат, Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий кудратини юксалтиришга, балки озиқ-овқат хавфсизлиги ва аҳоли бандлигини таъминлашда, қолаверса, экспорт салоҳиятини оширишга хизмат қилади.

Қишлоқ хўжалик соҳасининг мамлакат тараққиётида нечоғлик аҳамият касб этишини инобатга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ-158-сон Фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон - 2030” стратегиясида ҳам ушбу соҳани 2030 йилгача ривожлантиришнинг устувор вазифалари белгиланган. Хусусан, мазкур стратегиянинг 54-бандида қишлоқ хўжалигида ҳосилдорлик ва рентабеллик даражасини кескин ошириш алоҳида қайд этилган³⁹.

Бироқ, ноқулай об-ҳаво, иқлим ўзгаришлари, табиат инжиқликлари, ўсимлик зараркунандалари қишлоқ хўжалигининг барқарор ривожланишига, бинобарин, соҳада ҳосилдорлик ва рентабеллик даражасини кутилган даражада оширишга салбий таъсир кўрсатади. Боз устига, тупроқ қатлами эрозияси, сув ресурсларининг йилдан-йилга камайиб бориши қишлоқ хўжалигининг самарадорлигига жиддий путур етказмоқда. Шунининг инобатга олган ҳолда юқорида кўрсатилган “Ўзбекистон-2030” стратегиясида “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва чорвани суғурта қилиш тизимини ислоҳ қилиш, алоҳида суғурта жамғармасини ташкил этиш ва унга 100 миллион долларни жалб қилиш, деҳқон ва фермерларга суғурта мукофотининг 50 фоизини субсидиялаш тизимини жорий қилиш”⁴⁰ вазифаси белгиланган.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқарувчилар, биринчи галда, фермер ва деҳқон хўжаликларининг экинлари, чорва моллари, боғзорлари

³⁷ Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган. <https://www.stat.uz/uz/rasmiy-statistika/agriculture-2>.

³⁸ Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган. <https://www.stat.uz/uz/rasmiy-statistika/demography-2>.

³⁹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон — 2030» стратегияси тўғрисида» 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ-158-сон Фармони. <https://lex.uz/ru/docs/6600413>.

⁴⁰ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон — 2030» стратегияси тўғрисида» 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ-158-сон Фармони. <https://lex.uz/ru/docs/6600413>.

ва мевали дарахтлари ҳосилдорлигига табиий офатлар, жумладан кучли жала, дўл, гармсел, совуқ уриши натижасида етказилган зарарларнинг ўрнини қоплашда суғурта катта аҳамиятга эга. Қишлоқ хўжалигини суғурталаш соҳасида анча йиллардан буён тадқиқот ишларини амалга ошириб келаётган олим, и.ф.д.А.Ядгаров ва ёш олима М.Маҳаматованинг таъкидлашича, “Иқлим ўзгариши фонида қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятини суғурталаш тизимини тубдан такомиллаштириш бугунги кунда ўз ечимини кутаётган долзарб масалалардан биридир. Шу нуқтаи назардан агросуғурта тизими мазкур ҳолатда турли муаммоларнинг самарали ечими сифатида майдонга чиқади”⁴¹. Ушбу олимларнинг фикрларини қўллаб-қувватлаган ҳолда шуни айтиш керакки, ўтган йиллар мобайнида қишлоқ хўжалигининг асосий бўғини бўлган фермер ва деҳқон хўжаликларининг табиий офат ва бошқа қалтисликлар содир бўлиши оқибатида кўрилган зарарларининг маълум қисми суғурта ташкилотлари томонидан қоплаб берилган.

Суғурта соҳасида қалам тебратиб келаётган тажрибали тадқиқотчилар яхши билишади: мустақилликнинг дастлабки йилларида, аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, қишлоқ хўжалигини суғурталаш ишлари “Ўзагросуғурта” суғурта компанияси томонидан амалга оширилган. Қизиғи шундаки, 1997-2000 йиллар давомида мазкур компаниянинг молиявий барқарор фаолият кўрсатишини таъминлаш, қишлоқ хўжалигига етказилган зарарларни мақсадли қоплаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан “Ўзагросуғурта” компаниясининг суғурта жамғармасига миллиардлаб пул маблағлари ажратилган. Бироқ, сўнгги йилларда қишлоқ хўжалик соҳаси таваккалчилик даражаси ва табиий офатлар содир бўлиш эҳтимоли юқори бўлган соҳа бўлиб қолишига қарамасдан умумий суғурта тармоғида фаолият кўрсатаётган кўплаб суғурта компаниялари мазкур соҳа субъектларига баҳоли қудрат суғурта хизматларини кўрсатиб келмоқда. Бунга мисол тариқасида “My Insurance”, “Semurg’ Insurance” суғурта компанияларини келтириш мумкин. 2023 йил якунлари бўйича, “My Insurance” суғурта компанияси жами 331,7 млрд.сўм суғурта мукофотларини тўплаган ҳолда республика суғурта компаниялари ичида суғурта мукофотлари ҳажми бўйича 4 ўринни эгаллади⁴². Ишонч билан айтиш мумкинки, ушбу суғурта компанияси суғурта портфелида қишлоқ хўжалик манфаатларини суғурталаш сезиларли салмоққа эга.

Хулоса сифатида қайд этиш керакки, “Ўзбекистон-2030” стратегиясига мувофиқ қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва чорвани суғурта қилиш мақсадида суғурта жамғармасини ташкил этиш учун 100 миллион доллар пул маблағининг жалб этилиши ҳамда деҳқон ва фермерларга суғурта мукофотининг 50 фоизини субсидиялаш тизимини жорий

⁴¹ Ядгаров А., Маҳаматова М. Иқлим ўзгаришлари таъсиридан қишлоқ хўжалигини суғурталаш ва молиявий қўллаб – қувватлаш. // Journal of Universal Science Research, 1(5),_published may 15, 2023 | version v1 786–790. <https://doi.org/10.5281/zenodo.7938805>. <https://zenodo.org/records/7938805/>.

⁴² Показатели страхового рынка Республики Узбекистан по итогам 2023 года. [https://napp.uz/storage/files/shares/reports/Indicators%20of%20the%20insurance%20market%20for%2012M\(rus\).pdf](https://napp.uz/storage/files/shares/reports/Indicators%20of%20the%20insurance%20market%20for%2012M(rus).pdf).

қилиниши истиқболда қишлоқ хўжалик маҳсулоти ишлаб чиқарувчиларининг манфаатларини комплекс суғурталаш имкониятини яратади.

ИЖТИМОЙ СУҒУРТА ОРҚАЛИ АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШ

Шержонов Шержон Алижан ўғли
Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси
мустақил изланувчиси

Ижтимоий суғурта тизимини амалга ошириш учун албатта маълум даражада молиявий ресурслар зарурати пайдо бўлади. Шунинг учун ижтимоий жамғармалар ҳар қандай иқтисодий механизмнинг ажралмас қисми бўлади. Маълумки, аҳолининг муҳтож қатламларини ҳимоялаш мақсадида даромадларни муайян тартибда қайта тақсимлаш зарурати келиб чиқади. Бундай қайта тақсимлашнинг молиявий воситаси ижтимоий жамғармалар орқали амал қилади. Ижтимоий жамғармалар эса, ўз навбатида, давлат ёки нодавлат шаклида бўлиши мумкин. Ижтимоий жамғармаларнинг шакллари ўртасидаги нисбат кўп омилларга, энг аввало, иқтисодий ривожланишнинг миллий моделига боғлиқ бўлади.

Бугунги кунда жаҳонда ижтимоий суғурта тизимининг турли моделларини ўзаро уйғунлаштириш асосида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизимини молиялаштиришни самарали ташкил этиш бўйича кенг қамровли илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Жумладан, ихтиёрий ва мажбурий тиббий суғуртанинг имконият ва чекловлари ҳамда таъсир самарасини эътиборга олган ҳолда янада ривожлантириш, ишсизлик нафақасини тайинлаш тартибини аҳоли турмуш даражаси меъёрларини таъминлаш негизида такомиллаштириш, кўп даражали пенсия таъминотига ўтиш асосида пенсия таъминоти тизими барқарорлигини ошириш, пенсия ва ижтимоий фондлар фаолиятини мувофиқлаштириш, аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш тизимини ижтимоий кафолатларнинг максимал даражада таъминланишини эътиборга олган ҳолда янада такомиллаштириш, пенсия дастурларини молиялаштиришнинг суғурта механизминини илғор тажрибаларни татбиқ этиш асосида кучайтириш, хусусий пенсия фондларини ташкил этиш ва молиявий фаолиятининг барқарорлигини янги молиявий манбалар ва самарали дастакларни жорий этиш ҳисобига таъминлаш муҳим тадқиқот йўналишларидан ҳисобланмоқда.

Ўзбекистонда сўнгги йилларда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва ижтимоий суғурта тизимини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан аҳолини ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини қўллаб-қувватлаш мақсадида бюджет ташкилотларидан ташқари барча юридик шахсларда меҳнат шартномаси бўйича охириги 6 ой давомида узлуксиз иш стажига эга бўлган ходималарга ҳар ой учун минимал истеъмол харажатлари миқдоридан келиб чиққан ҳолда ҳомиладорлик ва